




ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСІЙ
ГАЗЕТАСИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 39 (9.383)

2000 йил 3 апрель, душанба

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қошидаги Инсоннинг конституций ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш бўйича комиссия ҳамда парламентнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисида 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия Кодексининг турли мuddатларга оид қўғишларни амалга ошириш бўйича қўшма мажлис бўлди. Мажлисида 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия Кодексининг турли мuddатларга оид қўғишларни амалга ошириш бўйича қўшма мажлис бўлди.
- Микроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида «Банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар» мавзусида иш бошлаган икки кунлик республика амалий конференциясида мамлакат банк тизими муассасалари фаолияти самардорлигини ошириш йўллари ҳамда услублари муҳокама этилди.
- Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимизда ўтаётган тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойларидаги таъсирчан назорат бўлиб ўтди. 8 апрелда республика умумэкология шанба-лиги ўтказишга қарор қилинди.
- Кеча мамлакат геологлари ўзларининг аъёнани байрамлари — Геологлар кунини нишонлашди. Шу муносабат билан Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.
- Андижон, Қўқон йўналиши бўйлаб поезд қатнови йўлга қўйилди. Эрта тонгда йўлга чиқадиган поезд Марғилон орқали, кундуз соат 13 дан 20 дақиқа ўтганда жўнайдиغان поезд эса Наманган орқали Қўқонга кириб боради.
- Самарқанддаги Акмал Икромов номи Ўзбекистон маданият тарихи музейида германиялик этнограф-олима Габриэле Киллернинг «Ўзбекистонда аёллар маданияти: овурилик аёл Марказий Осиёда қадимий аъёнани издан» деб номланган этнографик расмлар кўргазмаси очилди.
- Жиззах вилоятида «Соғлом авлод» мавзусидаги кўрик-танлов бўлиб ўтди.
- Фарғонада республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан «Миллий гоя ва миллий мафкура — келажак йўли» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- Ургут туманида «Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан таъсирчан назорат ўрнатиш — назорат инспекциялари фаолиятининг асосидир» мавзусида вилоятларо семинар-кенгаш ўтказилди.
- Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят музыкали драма театри жамоаси яқинда ўз мухлисларига драматург Холик Хурсандов қаламига мансуб бўлган «Ўлдинг, азиз бўлдинг» спектаклини тақдим этди.
- Ўзбекистон Давлат акционерлик компанияси томонидан республика Мудофаа вазирлигининг буюртмасига биноан беш қисмдан иборат «Сардор» видеофильми суратга олинмоқда.

ЖАҲОНДА

- Франциядаги машҳур «Жероди» компаниясининг «Марказий Осиёнинг муъжизаси» шаҳарлари: Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива» мавзусида уюштирган реклама-тарғибот тадбири француз халқига Ўзбекистонни таништиришда янги қадам бўлди.
- Кеча Россия ва Белоруссия халқлари билан кунларини нишонлашди.
- 1 апрелдан бошлаб Россияда бюджет ташкилотлари хизматчиларининг ойлиги 20 фоизга ошди.
- Кеча Россия ва Грузия Чеченiston чегарасини биргалашди кўриқлаш масаласини муҳокама қилдилар.
- Бугун БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мари Робинсоннинг Россия бўйлаб сафари нийосига етади. У тўрт кунлик сафари давомида ушбу мамлакат раҳбарияти ҳамда ноҳукумат ташкилотлари вакиллари билан учрашиб Россияда инсон ҳуқуқлари борасидаги аҳвол билан танишиди.
- Кеча НАТО Бош қотиби Жорж Робертсоннинг Латвияга икки кунлик ташрифи якунида.
- Миср Президентини Хусни Мубарак Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш борасида сўнги вақтларда амалга оширилган ишлардан қониқиб ҳосил қилаётганини айтди.
- Бугун Қохирада олий даражадаги биринчи Афровро саммити очилди.
- Лондонда Бирлашган қиролик матбуот бошқармасининг йиллик аңкумени бўлди.
- Бугун Япониянинг Окинава оролида «Катта саккизлик» таълим вазирлари умуммасалалар муҳокамасига ўтланадилар.
- Афғонистонда толиблар томонидан БМТ миссияси ҳодимларига нисбатан яна қўпол муносабат билдирилгани учун халқаро ташкилот вакиллари бу мамлакатни тарк этди. Шу билан Афғонистон жанубидаги аҳолига қўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳам тўхтаб қолди.
- Испаниянинг Мерангес қишлоғида жаҳондаги ягона ёғоч пойабзаллар музейи очилди.
- Литвада жиноятчиликда айбланганлар ўзларини тезроқ турмага юборишни талаб қилипти. Лекин маҳбусларни сақлаб туриш учун маблаг етмагани боис уларнинг талаби қондирилмапти.
- Туркияда Усмонийлар империяси ташкил топганига 700 йил тўлиши муносабати билан 17-18 апрелда бўлидиган байрам яна беқор қилинди. У ўтган йилнинг сентябрь ойида шу кунга сурилган эди.
- Бугун Германия собик канцлери Гельмут Коль ўзининг 70 йиллиги нишонланадиган бугунги санани беқор қилди.
- Косово маъмурияти маркази — Приштинада портлаш юз берди. Шаҳар кўчаларидан биридаги ахлат контейнерига қўйилган бомбадан ҳеч ким ҳаёт қургани йўқ.
- Литвада маст ҳолатда машина ҳайдагачларга берилган жазо қўйирилди. Мамлакат парламенти жиноят кодексига ўзгариш киритди. Унга қўра ҳаёвчилик иккинчи бор маст ҳолатда машинани бошқаришда қўлга тушса, икки йиллик мuddатга жазо меҳнат колониясига юборилди. Ёки уч йилдан беш йилгача ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади.
- Калькуттада армистинг бўйича биринчи Осиё чемпионати ўз нийосига етади. Унда 12 мамлакатдан 250 га яқин спортчи қатнашди.

ЭРКИНЛАШТИРИШ — ОЛГА ИЛТИЛИШИМИЗ КАФОЛАТИ

Қандай қилсак иқтисодиётимиз эркинлашади ва ислохотлар чуқурлашиши учун асосий эътиборни нималарга қаратмоқ керак? Мамлакатимиз Президентининг ҳузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Юртбошимизнинг маърузаларида ана шу масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Кенгашнинг «Эркинлаштириш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида»ги қарориди жамиятимизни, айниқса, иқтисодий соҳани ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги асосий вазифалар нималардан иборат эканлиги аниқ белгиланган бўлди. Айниқса, ҳалқ фаровонлиги, она-Ватан раънақи, эл-юрт осойишталигини ҳар қадамда ўйлаган ва дилдан ҳис этган Президентимизнинг йиғилишида сўзлаган маърузалари кўпчиликини тўққилантиргани табиий, албатта.

Ислом Каримовнинг маърузалари республикамиз иқтисодиёти ривожига ўзининг муносиб улуғини қўйиб берган тадбиркор ва ишбилармонларни ҳам илҳомлантирди. Буни уларнинг кўйидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

Эркин фикрлар

ДАВР ТАЛАБИ

• Мурод МУСАШАЙХОВ, «Империя» қўшма корхонаси таъсисчиси:

— Юртбошимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатини ифодалаб берди ва ҳар бир жаҳда бўйича аниқ вазифаларни қўрсатди. Маърузадаги «Мукамал технологиялар жараёнлари ўз ичига олган, илгор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, балки, ташқи бозорда ҳам рақобатда бардош берадиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қувватлар иқтисодиётда етакчи ўрин эгаллашга эришишни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз» деган сўзлар, албатта тадбиркор сифатида бизни ҳам илҳомлантирди.

Корхонамиз бир неча йилдирки, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош девор гулгозорлари ишлаб чиқариб, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларининг раънақида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мажид цехларимизнинг замонавий ва юксак умумий технологиялар билан жиҳозлангани ва ишчиларимизнинг маълуми бу борада катта роль ўйнамоқда. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг турларини кўпайтириш, айниқса уни хориж бозорларига олиб чиқиш ниятидамыз. Бу борада ҳам Президентимиз алоҳида тўхталиб, ўз олдимизга иқтисодиётнинг барча тармоқларида экспортдош тайёр маҳсулотлар ҳажми ва турларини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйганимизни таъкидлади ва бунга эришиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз ва жорий этишимиз даркорлигини айтди.

Бундан кўришиб турибдики, иқтисодиётни эркинлаштириш — давр талаби, бундан ҳар биримиз ўзимизга тегишли ҳулоса чиқариб ололганимиз керак, тадбиркорлик билан иш юритишимиз, изланиш, ташаббус билан ишлашимиз лозим.

• Юсуф СЕЙФАЛОВ, «Яшар ЛТД» қўшма корхонаси директори:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислом Каримовнинг кенгаши йиғилишида айтган қўйидаги сўзлари қўшма корхона раҳбари сифатида мени ҳам ҳурсанд этди: «...Мен шахсан Президент сифатида хорижий ҳамкорларимиз олдида турган, улар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ўз вақтида ечиш ва бартараф этишни ўз вазифам, деб биламан ва керак бўлса сизларнинг Ўзбекистондаги фаолиятимиз учун энг қўлай шарт-шароит яратилишига

кафолат бераман». Чиндан ҳам эл-юрт бахти ва келажagini ўйлаган, ўз халқи эртаси учун қайғурадиган ҳақиқий раҳбарнинг гаплари бу.

Ҳақиқатан республикадаги тинчлик ва барқарорлик, яратилаётган барча қўлайлик ва имкониятлар хорижий шериклар билан ишлашда қўл келмоқда. Бу албатта иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида экспортдош, рақобатга чидамли тайёр маҳсулотлар турларини кўпайтиришда, чет эл технологиясини мамлакатга олиб киришда жуда муҳим аҳамият касб этади.

• Шухрат ЙЎЛДОШЕВ, тадбиркор:

— Мамлакатимиз мушаккиллакка эришгандан буён ҳукуматимиз ва Президентимиз тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида ғам-хўрлик қўрсатиб келмоқдалар. Президентимиз қайси йиғилишда сўзлаганларини, албатта кичик, ўрта ва хусусий бизнесни ривожлантиришга, унинг раънақида шарт-шароитлар яратишга асосий эътиборни қаратдилар. Идоралараро кенгаш йиғилишидаги, Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида ҳам эндиқина иш бошлаётган тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш, хусусан, кичик кредитлар ажратиш тизимини яратиш масаласи нийоятда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, «Токи ўз ишини бошлаётган одам уни қўллаб-қувватлашларига, унга ёрдам қўрсатишларига, жамиятнинг ўзи унинг муваффақиятидан манфаатдор эканига ишончи ҳосил қилсин. Олдиқина қилиб айтганда, агар инсон аввало ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда, ўзи ҳамда оиласини таъминлашга ҳаракат қилаётган бўлса, жамият ва давлат четда қараб туриши мумкин эмас. Бундай одамга ҳар томонлама ёрдам бериш барчамизнинг бурчимиздир» деган сўзлари ҳар бир тадбиркорликка қўл урган одамни тўққилантириш табиий. Президентимиз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнига алоҳида баҳо бериб, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган экани, биз ҳам шунга яраша қўл-гайрат қўрсатишимиз, ўз меҳнатимиз билан юртимиз раънақида муносиб улуш қўшмоғимиз даркор. Тадбиркорлик — бу меҳнат, изланиш, интилиш, тўққиларни енгил дегадир. Шу боис биз ҳам зиммаларимиздаги масъулиятни сезиб, қонун асосида иш юритишимиз, ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қилишни билишимиз даркор.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.



Фусункор ва янгилаш фақли баҳорни бежизга гўзаллик ва ўйғониш палласи деб атамайдилар. Чунки баҳорда табиат ўйғонади, гўзаллашади, одамлар эса яратилган ва ободонлаштирилган билан машғул бўладилар. Кимдир дарахт экади, кимдир ер текислайди. Ҳуллас ҳамма-ҳамма яна меҳнат қучоғига шўғилди.

Ободонлаштириш ойлиги

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ҲАШАР

15 февралдан бери ўтказилаётган кўкаламзорлаштириш ва санитария тозаллиги ойлиги шайхонларнинг фўқаролари томонидан кўтаринки қайфиятда давом эттирилмоқда.

Ўтган кўни эрта тонгда ноқ янграган қарнай-сурнай садолари пойтахтимизнинг энг гўзал масканларидан бири Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ҳашар бошланаётганидан дарак беради.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан туман ободонлаштириш бошқармаси, Республика «Маҳалла», «Нурон», «Камолот» жамғармаларининг Шайхонтоҳур туман бўлими хамкорликда ўтказган ҳашарда тумандаги 48 маҳалладан 2 минг фўқаро иштирок этди. Қувончли жиҳати шундаки, ушбу тадбирда 14-15 ёшли мактаб ўқувчисидан тортиб 70-80 ёшга кирган нуроний кексаларни ҳам учратдик. Ота-оналардан бири дуога қўл очиб ҳашарчиларнинг ишига омад тилади. Сўнг ҳамма ишга киришиб кетди. Кимдир ерни чиқиндилардан тозалар, кимдир текислар эди. Кетмон, белкурлар овози бир зум тинмади. Кимдир дарахт экиш, кимдир тозалар, текислаб қўйилган ерга беда уруғини сепиш билан овор.

Чўпонота маҳалласида яшовчи, меҳнат фахрийси Сиддик ота Фўзайловни сўхбатга тортишимиз:

— Илгарилари бу ерлар ташландик, ҳароб аҳволда эди. Яхшидан боғ қолди, деганларидек қўят экиб, боғ яратиш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ота-болаларимиздан қолган мерос. Шунинг учун ҳам бугунги ҳашарни эшитиб қувониб кетдим. Насиб этса биз экан дарахтлар одамларнинг кўнглини ҳўшуд этар.

— Нимасини айтасиз, — дея гапга қўшилиди Шофайз маҳалласида Фазлиддин ота Тошмухамедов, — ёшларнинг гайратини қаранг, ахир Миллий боғимиз ҳамма дам оладиган энг гўзал гўшага айланиш керак-да.

Туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Талъат



Азимов ҳашарчилар ёнига бориб уларга нималарнидир ўқитишга, ўргатади, шу боис уни ҳали у ерда, ҳали бу ерда учратиш мумкин. Тиниб-тиничмас бу инсон билан сўхбатлашганимизда қўл нарсаси бўлиб қолди.

— Ободонлаштириш ойлиги муносабати билан Миллий боғнинг 4,5 гектар ерини обод қилиб, кўкаламзорлаштириш Шайхонтоҳур тумани ихтиёрига берилганлиги, — дейди Талъат ака. — Шу кўнча 2 гектар ерни чиқиндилардан тозалар, ўқир-қўқир ерларни текислар. Бугун ҳашарчилар 500 тадан қўл мева, манзарали кўчатлар экишни, беда сепишни мўлжаллашган. Бундан буён ушбу 4,5 гектар ердаги экилган ниҳолларни парварилаш, ободонлаштириш ўз зиммаларида. Бу хайрли ишлар бошида туманимиз ҳокими Мирқамол ака Одилов турганлигини таъкидлайман.

Шу кўни ҳашар кечкунунгача давом этди. Дарвоқе, пешинда ҳашарчилар учун дошқозонларда ош дамланди. Мўҳими, ҳамма шоду ҳўрраман бўлиб қайтди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.
СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган ҳашардан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимизда Халқаро бизнес маркази иш бошлади. Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати вакиллари, мамлакатимизда фаолият қўрсатяётган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда ишбилармонлар иштирок этди.

Ун етти қаватли марказ биносининг умумий майдони 60 минг квадрат метр.

дан иборат бўлиб, уни Туркиянинг «Ай-Сел» компанияси қурувчилари Ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорликда бунёд этган. Бинода ишбилармонлар фаолият қўрсатиши учун барча шарт-шароит, 300 кишилик конференциялар зали, сайёҳлик агентлиги, музокара заллари, тез ва сифатли коммуникация алоқаларини таъминлайдиган жиҳозлар ҳамда дам оладиган хоналари мавжуд.

(9а).

Воқеа арафасида

ТОШКЕНТ САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ

ЭРТАГА

Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг «Халқаро» Халқаро аҳолилар Марказида IV Тошкент савдо-саноат ярмаркаси ўз ишини бошлайди.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон телерадио-компанияси ва матбуот ҳодимлари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Анвар Йўлдошев олиб борди.

Конференцияда иштирок этган матбуот ҳодимлари бу йилги савдо-саноат ярмар-

касининг ўтган йилгидан фарқли томонлари ва кўпроқ нималарга эътибор қаратилганлиги ҳақидаги яна бошқа қўллаб-қувватларига жавоблар олишди.

Савдо-саноат ярмаркасида матбуот ҳодимлари ва тадбиркорлар билан ўзаро мулоқот қилиш борасида кенг имкониятлар яратилганлиги ҳақида ҳам сўз борди. Яна шу нарсаси таъкидландики, ўтган йилги савдо-саноат ярмаркасида қўшма корхоналар кам иштирок этган эди. Бу йил эса бунинг акси. Катнашадиган 220 дан ортиқ тадбиркорнинг 32 фоизини қўшма корхоналарнинг, 35 фоизини кичик ва ўрта бизнес билан шўғулланувчилар, қисман акционерлик жамиятлари, 6 нафар фақат патент билан ишлайдиган хусусий

тадбиркорлар ҳамда Тошкент вилоятида маҳсулотини ишлаб чиқариб, шаҳарда харидорини топаётган 4 ишбилармон иштирок этди. Бундан қўрилиб турибдики, савдо-саноат ярмаркаси иқтисодиётимизни ривожлантиришга, ички бозорни тўлдириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга имкон туғдирамоқда.

Ярмарка 4 апрелдан 8 апрелгача давом этади. Бунда тадбиркорлар учун яратилган яна бир имконият — 5 апрель кўни «Ташаббус — 2000» танлови ҳам бўлиб ўтади. Финалгача бўлиб ўтган танлов шартлари компьютер ва видео роликлар орқали ҳайъат аъзолари томонидан қўриб чиқилиб, голиблар аниқланади. Шунингдек маслаҳат хизматлари қўрсатилади.

Гўли АБДУЛЛАЕВА.

«ТРАКТОР» мусобақа пешқадами

Ўтган кўни Ўзбекистон тўққиланчи миллий чемпионатининг тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон тарма жамоаси ва «Пахтакор»нинг мохир ҳужумчиси Азамат Абдураимов «Ўзбекистон футбол» газетаси муҳбирининг саволларига жавоб бера туриб шундай деганди:

— Бу йил жамоамиз чемпион бўлганга ҳам мавсумда ўтган йилги эгаллаган мавқимимизни сақлаб қоламиз. Лекин Азаматнинг бу баъшорати ҳозирча ўзини оқламапти. Чунки Қаршида «Насаф»нинг меҳмони бўлган «Пахтакор» яна уч очкони қўлдан бой берди. Бу сафар пахтакорчилар кичик ҳисобда мағлубитга учиради. Ҳисоб 0:1. «Трактор» эса

Анвар ЙЎЛЧИЕВ.

Замонавий бинолар — шахримиз кўрки

Биз келтирган кўчирмадаги мулоҳаза-ларнинг биринчи навбатда — муҳим аҳамияти шундаки, Комил Инсонни тарбиялаш жамият тарихий тараққийнинг ҳамма босқичларида буюк даҳоларнинг хамиша диққат марказида бўлган, ҳозир ҳам шундай. Негаки, ҳамма даврларда ҳам ёвуз кучлар қанча бўлмасин, барибир, хамиша Комил Инсонлар билан ҳисоблашган, улардан тап тортган.

Софдил, ўз замонасининг етук зиёлилари, оддий фуқаролар оммаси Комил Инсонга эргашган, ундан мадад кутган, адолат кутган, уларнинг эл-юрт манфаатини кўзлаштига умид боғлаб яшаган. Юртбошимизнинг бу борадаги теран фалсафий мушоҳадалари, амалий фаолиятлари-ю уларнинг аниқ натижалари XX аср охиридаёқ жажон жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганига ўзимиз гувоҳимиз.

Комил Инсон ҳамон Ер юзиде камлик қилаётгани, унга бутун инсоният муҳтож бўлиб келаётганини ҳар бир ақли расо, етук тафаккурга эга шахс билмаслиги мумкин эмас. Балки шу туфайли ҳам Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида таълим-тарбия ишларида аждодларимиздан қолган бой миллий маънавий меросга, аини пайтда бутун инсоният тарихидан қолган бебаҳо маънавий хазинага қамолли эҳтиром билан қарашни муттасил ўқитиб келадилар. Бугина эмас, мазкур маънавий хазинадан бугун ва эртасиз учун қўмақлашадиган энг нодир дурдоналарни те-риб, улардан ижодий фойдаланишни ҳам доим таъкидлаб келинмоқ-да. Маънавий меросдан тараққий эт-учун фойдаланиш — аслида буюк Истиқлолимизни сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун курашнинг аини ўзи дейилса — хато бўлмас керак. Зеро, оёқости қилинган буюк мил-лий тарихимиз, яъни маънавий ме-росимизга ҳурмат — XX асрнинг 90-йиллари бормдан чинакам амалга оширила бошлади-ку!..

Фикр-мулоҳазаларда бир ёқламалик-ка йўл қўймаслиги учун бир ҳақиқатни яна таъкидлаш зарар қилмайди. Чунки, бир мавзуда мингта гапни тўғри баён қилиб туриб, биргина сўзни ноўрин ишлати-дан бўлсанг, илгариги мингта тўғри сўзин-ни йиғиштириб, ноўрин ишлатган битта сўзингга ёпишиб, бош кўтарадиган гала-мислар хамиша топишган. Демократиз-ми, XX асрнинг бошларидан то 90-йил-ларгача ҳам миллий маънавий қадрият-ларимизни тиклаш, уларга ҳурмат-иззат билан қараш учун курашган буюк оли-мларимиз, ёзувчиларимиз бўлган, уларни кўп марта айтганимиз; агар ўша буюк-ларимизнинг ишларини бир кўз олдими-за келтирсак, улар миллий тарихимизнинг турли давларидаги энг Етук шахслар, айтиш мумкинки, гоёт обрў-эътиборли, ўз замонасинингта эмас, ундан кейин-ги асрлар давомида ҳам одамлар қан-да ардоқлини келатган Комил Инсон-лар фаолиятлариға мурожаат қилганла-рини кўрамиз. Шу билан бирга Комил Инсонларга яшаш, ишлаш, яратиш хами-ша қаттиқ қурашлар, тўсиқлар, турли-тум-ан зиддиятлар билан амалга оширил-ганлигини ҳам билиб оламиз.

Шу ўринда бир нуқтага эътиборингиз-ни тортиш жоиз тулади: миллий тари-химиздаги буюк аждодларимиз маънавий меросига ҳурмат билан қараганлар, улар-нинг қадриятларини тиклашга ҳаракат қилганлар кимлар-у, қаршилик қилган-лар кимлар? Агар ўзимиз гувоҳлигимиз-дагина бу соҳада рўй берган воқеаларни жиндак кўз олдими-за ўтказсак — кан-дай манзарарга дуч келамиз? Бехудий, Қодирий, Фитрат, Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Яхё Фулом, Ҳадина Су-лаймонова ва уларнинг издошлари кан-дай одамлар? Шу номлари тилга оли-ганларнинг ўзлари бизга замондош энг пок ниятли, бутун умрини Ватан, миллат озодлиги, мустақиллиги, тараққиёти учун бахшида этган Комил Инсонлар эди. Энди уларнинг ўзлари эътиқод қўйганлар-чи? Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улугбекларни бир кўз олдими-за келтирайлик-а? Булар қандай шахслар эди?

Жуда оддий ҳақиқат ёрқин намоён бўлиб туради: яъни, Комил Инсонлар хамиша, ҳамма замоналарда, ҳар қандай тарихий вазиятда ҳам ўтмишдаги авлод-аждодларининг бой маънавий меросига катта ҳурмат, эътиқод билан қараб кел-ганлар ва ўзлари ҳам аини шу заминда даврнинг Комил Инсони даражасига қўта-рилганлар. Эҳтимол биз «Комил Инсо-н» иборасини бир оз кўпроқ ишлатган кўри-наримиз, аммо биз номларини тилга ол-ган буюкларнинг ҳаммаси, сирасини айт-ганда, бизга замондош бўлган зиёлила-римиз орасида энг етуклари эди. Улар-нинг билум доираси, истеъдоди, ният-лари поклиги — фақат муҳлисларигагина эмас, ҳатто рақибларига ҳам ойдаи ра-вша эди. Демократизм, буюк шахслар-нинг қадрига етиш ҳам, аввало, буюк-лиқни талаб этади. Буюк истеъдоднинг ҳақиқий баҳосини ҳам истеъдодли шах-слар бошқалардан кўра кўпроқ идорак эта-ди...

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўз ҳаёти ва фаолиятида хамиша буюк да-ҳоларимиздан қолган маънавий меросни ўрганиш, уларни замон тўсиқларидан ўрганиш, уларни асраб олиб ўтиб, юрт-эҳтиётлик билан чуқур илим ва бадий дошларимизга чуқур олимий ва файласуф, шоир, олим, драматург — Мақсуд Шайх-зода бир шеърда ёзди:

*Умралар бўладики,
Тарихида ўқилар,
Умралар бўладики,
Манзилча тириқлар.*

Мазкур сатрлар миллий тарихимизга бўлган эътиқодлари гоёт юксак Шайхзода-нинг ўзига ҳам хос эди. Зеро, у талай шеърый асарлари, илмий мақолалари, публицистикадан ташқари Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улугбек ҳақидаги драмалари билан, Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлари билан ҳам мил-лий тарихимизда катта ўринни эгаллади. Бинобарин, Шайхзода, Ойбеклар Наво-ий ҳаёти, фаолияти, маънавий меросини тадқиқ этишда бизнинг авлодимиз кўз ўнгиде бошқаларга ибрат кўрсатган гоёт забардаст шахслар эди.

Шайхзода 1941 йилда «Гениал шоир» номи билан мақолалар тўплами чоп эт-тирган. Ижодкор улуг шоир, олим, дав-лат арбоби — Алишер Навоий ҳақидаги

Эътибор беринг: Шайхзода 1941 йил-да «Гениал шоир» деб Навоийни улуг-лайди. 1961 йилда «Мирзо Улугбек» дра-масини, 1964 йилда «Улугбек юлдузи» фильмини яратди, ундан кейин Навоий-нинг шеърый маҳоратиға оид туркум та-дқиқотларини эълон қилди. Ойбек ҳам дастлаб Навоий даври, ҳаёти, ижодиға оид қатор тадқиқотлар, шеърлар, мақо-лалар, достонлар ёзгандан кейин — ни-ҳоят ҳаммасининг яхлит маҳсули сифати-да «Навоий» романини 1944 йилда чоп эттиргани маълум. Қаранг, бу гаплар ян-гиллик эмас. Бу иккала улуг зотнинг асар-лари ҳақида шу вақтгача анча ишлар ёзил-гани ҳам маълум. Аммо биз энг қадимий давр миллий меросларимизга, тарихи-мизга, адабиётимизга қандай жиддий, шу билан бирга, қайта-қайта мурожаат қилиб, янгидан-янги қирраларини очганимизда ўз замондошларимиз маънавий ме-росларининг бор қирраларини очиб бўлган-

Маънавият соҳасидаги ишларимизнинг пировард мақсади — иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакл-лантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, ажодларимизнинг бе-баҳо мероси ва замонавий тафаккурға таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат.

Ислом КАРИМОВ

Истиқлол ва миллий қадриятларимиз

XVII. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

мақолаларини тўплаб, китоб тарзида эълон қилганди. Биз ҳам Навоий ҳақида-ги биринчи дарсни Шайхзодадан эшит-ганмиз. Домла миллий тарихимиз да-ҳолари ҳаёти, ижодиёти, даврини яхши би-лар ва билганларини бизларга гоёт за-ваҳш билан ўқитарди ҳам. Жумладан, биз-нинг ёшдагиларга то ўтган асрнинг 30-йилларигача ҳам номаълум бўлган Ал-Хоразмий аслида бутун Оврупода «Ал-гебра» ибораси билан машҳур экани ҳақидаги биринчи мартабда Шайхзода ба-тафсил тушуштириб берганда оғзимиз очилиб қолган эди. Математика соҳа-сида «алгебра» ибораси борлигини билар-дик, аммо унинг асосини, асли ижодко-ри — Ал-Хоразмийлигини ўша йилларда ким айтарди-ю, у ҳақдаги тарихий китобларни ким ўқий оларди?

Агар Ойбек ва Шайхзодаларнинг дунёқарашлари миллий маънавиятимизни чуқур ўрганиб шаклланганлигини ўйлаб қарасак — асл тарих Шахс қиёфасини я-ратишда нақадар буюк аҳамият касб эти-шини чуқур тушуниб олардик.

Юртбошимизнинг ҳар сафар тарихи-миз, ёшлар тарбияси, жажон тахриба-рининг энг илгор намуналарини ўйгун холда ўрганиш, уларнинг туб моҳиятиға етиб бориш нақадар зарурлиги ҳақида жон куйдирганларида қамна шуларни ўйлаб қоламиз. Ойбек ва Шайхзодалар-нинг ҳаёти, фаолияти, ижодий маҳсул-лари-ю, улар бошидан кечирган мурак-каб зиддиятлар жараёни эсимизга туша-ди. Бу ҳар икки буюк зот ижодий фаоли-ятларини XX асрнинг 20-йилларидан бош-лаб, коммунисттик мафкура ҳукмронли-гининг барча азоб-қуббатларини кўрдилар. Қизил босқинчиларнинг миллий тарихи-мизга қилган ҳужумларини кўра била ту-риб, ўз ўтмишимиздан зиё ахтардилар... Топдилар... Навоий, Улугбек сингари да-ҳоларимизнинг маънавий меросини кўкларга кўтардилар... Сталинин қотил-лар тахдидлари, қатлиомларни туфайли фожиаларга дуч келдилар. Нихоят, 50-йиллардаги қама-қама тахлиқасида Шай-хзода ҳибсга олинди, Ойбек оғир бетеб-ликка учраб, тилдан қолди. Бизнинг ёш-дагилар мана шу фожеаларнинг гувоҳи бўлутуриб, бу икки буюк зот тақдирини эслаганда ҳар сафар вужудимиз қасқаб кетади. Негаки, бу буюк зотларнинг бош-ларига фожеалар соланлардан айрим-лари бадном бўлиб дунёдан ўтди, ай-римлари ҳамон борлигини ҳам била-миз. Шайхзода айтган — «тиригиде ўлиқ, ўлигиде тирик» ибораси ана шу оғир ва зиддиятли воқеа-ҳодисалар ифодаси эмасми? Ўз бошидан кечирган ва тахри-баларида кўрилган ҳодисаларнинг фал-сафий мушоҳадаси эмасми? Албатта шун-дай.

Шайхзода миллий меросимизни улуг-лаш йўлидан тоймади, 50-йиллардаги қамок балосидан қайтиб келган, талай ижодий иш қилди. Булар орасида энг йирик маҳсули — «Мирзо Улугбек» дра-маси бўлди. Бу драма заминда «Улуг-бек юлдузи» кинофильми ҳам ишлан-ди, жажонга таралди. Асарнинг бош қаҳра-мони — Мирзо Улугбек ролини ижро эт-ган — буюк актёр — Шўкур Бурхонни кўрмаган, билмаган ўзбек бўлмасе ке-рак. Кимки драма ёки ўша кинони тилга ол-са, шу заҳоти Шўкур Бурхон яратган улугвор Мирзо Улугбек сиймоси дарҳол кўз олдиға келадиган бўлиб қолди. Кўрдингизми, на қамок, на бошқа тах-дидлар буюк зотларимизни ўз ўтмиши-мизга ҳурмат билан қарашдан қайтара олгани йўқ. Асли иймон ва эътиқод деб шунга айтилса керак.

миз деб ўтирсак, адолатдан бўлмайди. Негаки, коммунисттик мафкура тазйиқи Ойбек билан Шайхзодадан четлаб ўтма-ганидек, уларнинг асарларини тахлил қилганларни ҳам четлаб ўтган эмас-ку? Бунинг ким билмайди? Ўзоқ тарихимизни янгидан ўрганиш қанчалик зарур бўлса, асли тарихимизни ҳам Истиқлол имко-ниятлари талаблари асосида янгидан ўрга-нишни бугунги ҳаётимиз тақозо этади, миллий мафкурани яратиш борасидаги фаолиятимиз ҳам шунини талаб қилади.

Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» дра-масига назар ташласак, бугун қандай ман-зараларни кўрамиз? Бу саволға жавоб беришдан олдин — асарларнинг ёзилган йилларини бир эслайлик: 1941 йил, 1961 йиллар... Бири иккинчи жажон уруши бошланган давр бўлса, иккинчиси уруш-дан кейинги қатлиом, сталинчиларнинг қирқдорлари очиб ташлангандан кей-инги бир муддат юмшаган вазиятлар, 20-30-йиллардаги қамалган, отилганларни оқлаш бошланган шароитлар. Аммо ком-мунисттик мафкуранинг туб негизлари ба-тамом сақланиб турган йиллар. Бир шах-сни қўралаб, иккинчисини байроқ қилин-ган йиллар ва ҳоказо. Ана шундай тари-хий вазиятда Темурийлар султонини ҳақида гоёт эҳтиром билан асар ёзиш — нақад-ар жасорат эканлигини муттасил таъкид-лаб туриш ҳеч кимға малол келмасе ке-рак. 60-йиллардек вазиятда Мирзо Улуг-бек қиёфасини саҳнаға олиб чиққан Шай-хзода буюк олимдан чиққан буюк шоҳини улуглайди. XV асрда яшаган буюк ўзбек олими — ўз даврида авж олган жаҳолат-ға қарши маърифат билан курашнинг гоёт буюк намунасини намоиш этади. Мам-лакат идорасини ҳам илм-маърифат нури билан тараққийға олиб чиқишға интил-ган шоҳ Улугбек ўз кашфиётлари, исте-ъдоди, маърифати билан ўша давлар-дадек оламға танилган, жажондаги қўлаб-фалақийет соҳиблари унга тан берган эди-лар.

Энди ўйлаб кўрайлик: биз Шайхзода яратган Улугбек образи қиёфасида чина-кам миллий ифтихор ҳиссиётлари нақа-дар тўлиб-тошиб ётганини кўрамизми? Бас, лоақал маърифатли буюк шахснинг шоҳлиқда ҳам адолатли бўлишини кўра-мизми? Бу нима дегани? Ўта адолатсиз тузум шароитидаги миллатимиз бошиға тушаётган фожеаларни шахсан татиб кўрган олим, шоир, драматург, туркий халқларнинг миллий гурурлари, иззат-нафсини юқори тутиш каби ўзига хос фа-зилатларини чуқур ҳис эта оладиган — буюк сиймо — Шайхзодаға энди қандай баҳо бериш керак? Озодлик, миллий му-стақиллик, миллий тарихимизга ҳурмат, ўтмишдаги буюк аждодларимиз маънавий меросидан бугунги тараққиёт учун фой-даланиш, давлатни бошқаришда адолат-ли бўлиш намуналарини юқори кўтариш — ҳамма, ҳаммаси Шайхзода шахсини кўз олдими-за ҳамон улуглайверади.

Бутун Шарқ халқлари тарихи, адаби-ётини яхши билган Шайхзода, рус ва Фарб адабиётини ўзлаштирган, Шекспир, Шил-лер драмаларидан таржималар қилган, маҳоратларидан ижодий фойдаланишни удаллаган Шайхзода «Мирзо Улугбек-да ўз истеъдодини рўй-рост намоиш қил-ди. Асарда «Ҳамлет», «Отелло»ға хос фа-зилатларини сезиш қийин эмас. Зиддият-ларнинг кескинлиги, адолат билан адо-латсизлик, маърифат билан жаҳолат ўрта-сидеги муросасиз курашлар тасвирида биз шуларни аниқ кўрамиз. Мирзо Улуг-бек қиёфасида — Ватан, Миллат, Эл-юр-ти, шу билан бирга бутун Инсоният са-одатиға бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, са-

доқат ҳиссиётларини ифода этишда Шай-хзода шу қадар қайнаб-тошадики, XV аср муаммоларининг 60-йиллардаги бу на-мойишлари ҳамон бизни тўлқинлантира-ди. Маънавий меросимизнинг ўз миллий доирасидан чиқиб, умуминсоний аҳамия-т касб этиши-ю, мангүликка дахлдор-лиги ҳам шу негизда қарор топса керак. Шоҳ ва олим Улугбекнинг ўз олдиға қўйган мурод-мақсадиға эътибор қилинг:

Мархабо, эй самовотнинг олтин

йўлчиси,

Нега белинг шунча букки, чарчаб

Оқ азизим, минг-минг йиллар йироқ

йўлларда

Юрган йўлчи толиб қолса,

таажжуб эмас!

Аммо доим умидворсан.

Тўрт-беш кун ўтган,

Белинг ростлаб,

қоматингни тўғрайсан-ку!

Оқ йўл сенга, манзилларда

толмаси, ҳило!

Сен ҳам инсон фикри қадар

чарчмас, толмас!

Азминиздек йўларингни ҳеч ким

тўсолмас...

Мазкур сатрларда коинот ва ин-сон тақдирининг ягоналиги ва унинг сир-синоатларини ўрганиш аҳди, бинобарин, инсон иродаси салоҳиятининг худди коинот син-гари чексизлиги-ю, бунга ҳеч ким тўсиқ бўлолмаслиги теран илмий ва фалсафий изоҳланади. Маъри-фат юксакларға кўтарилади. Минг-минг йиллардан бунён очилмай кел-лаётган осмон сирларини инсон очишға қодирлиги таъкидланади. Бундан мақсад нима экани ҳам ай-тилади:

Коинотдан наъбаларни қидирав

башар.

Чунки, сирлар бетидеги

ниқобини очмок,

Зиддиятлар маъносини англамоқ,

ечмок,

Мутафаккир назарида улуг саодат...

Коинот сирларини англаш ва очиш қай усулда амалға оширилиди? Бу саволға Улугбек аниқ жавоб беради:

Маърифатнинг шайдолиги шундай

севаки,

Учрай деб пуфлаганда сўнмай, янада

Ёқиланлиб олованган суҳанға ўхшар...

Маърифат нуриларига қарши қанчалик

тўсиқлар бўлмасин, уни йўқ этишға қодир

кўч йўқлиги доғишманд Шайхзоданинг

Мирзо Улугбек тилидан баён қилган гоёт

юксак иймон-эътиқоди ифодаси эди. Бун-

гина эмас, ниҳоят давлатни бошқариш

билан маърифатни уйғулаштириш, унинг

нақадар оғир ва мураккаблигини теран

изоҳлаш ва унинг бугунги аҳамиятини

ўйлайлик-чи!

Китобларнинг лол тилиға

қулоқ салмоқлик,

Ҳақиқат-ғўй донолардан таълим

олмоқлик,

Менга ором бермас эди ўша чоғларда...

Маърифатни ҳужуматға қилиб раҳнамо,

Бу ўлканинг ерида ҳам юлдузлар ёқсин.

Инсонларға айтаиб турдим:

боққин самоза

Қанча тоза ва мусаффо, фарахбаш, зебо.

Эй, одамзот, ибрат олсин

юлдузлардан сен

ҳислатларида.

Шалтоқларда атмагани, кўтарили,

юксак!

Хар бир даврнинг буюк ва тубан қат-

ламлари бўлади. Ўртада доим зиддият.

Донолар бу жараёнда маърифатта, ту-

банлар жаҳолатға суянади. Ана шу ту-

банлик билан эришилган «бахт»ни доно-

лар энг бахтсизлик деб ҳисоблайдилар.

Улугбекнинг бу борадаги мулоҳазалари-

ни умрида қўллаб сўқирлардан жафо чек-

кан Шайхзода шундай изоҳлайди:

Сўқар бахтдан кўрар кўзим

бахтсизлик афзал.

Эҳ, саодат яратилмас буйруқлар билан...

Мазкур сатрларда 30-50 ва 60-йил-

лардаги маъмурий-буйруқбозлик, зўра-

вонлик гирдобиде қовурилган Шайх-

зодадек доғишманд бор ҳаётий фал-

сафаларини Улугбек тилидан баён

қилади. Зеро, адабиётда ким қайси

давр воқеалигини мавзу қилиб олмасин,

ҳаммасида асосан ўзи яшаб турган

ҳаётий муаммоларға муносабат билди-

рма ўтголайди. Тарихий мавзуларнинг

замонавийлиги ҳам шу билан улана-

ди.

Энди мана бу сатрларға эътибор бе-

ринг — бунда Шайхзода Улугбек билан

бирлашиб кетади, қанча тўсиқ, қарши-

ликлар бўлмасин, маърифат нурини тин-

май соҳишдан толмайди, кечмайди. Бу

уларнинг иймон-эътиқоди, халқи, Вата-

нини талабларидан келиб чиқарди:

Қирқ йил бўлди коинотнинг китобин ўқиб

Маърифатнинг дароҳиға қўйдим

ихласим...

Катта ҳосил кутмоқдман,

нуриной ҳосил...

Бу сатрлар, мушоҳадалар Юртбоши-

мизнинг жаҳолатға қарши маърифат бил-

лан курашини ҳақидаги фикрлари билан

Маълумки, тил ижтимоий ҳодиса сифатида жамият аъзолари ўртасида фикр олишувнинг, алоқа қилишнинг ягона воситасидир.

Тил жамият аъзоларининг бир-бирлари билан фикр олишув курали экан, аёндирки, бу кураол мавжуд барча фанлар учун маълум даражада асос ҳамдир. Чунки мавжуд фанлар ўз материалини ана шу тил орқали, бошқача қилиб айтганда она тили орқали ифодалади, рубога чиқаради.

Шу боисдан ҳам атоқли педагог К. Д. Ушинский «Она тили ўзи қонун қондаларини бошқа барча фанлар таркибига олиб кирувчи фандир», деганида масаланинг ана шу томонларини эътиборга олган эди.

Шундай экан, тил қондаларини бузиш — орфография, орфоэпия, стилистика, грамматика-синтактик ва морфологик тузилмаларни чалкаштириш фикрлаш маданиятига, мантиққа жуда катта салбий таъсир этади. Бундай таъсир этиш айниқса ёзма нутқда аниқ кўриниб қоляпти. Шу маънода ёзма нутқ фикрлаш маданиятида озғани нутққа нисбатан нозикроқ, қолаверса имкониятлари чегараланган бўлади. Шунинг учун ҳам ёзма нутққа кўпроқ масъулият ҳисси билан қараш, олдин ўйла, сўнг сўйла, деган нақла амал қилиш тақозо этилади.

Психологларнинг фикрларига қараганда, кишиларнинг ёзувлари чиройли ва хатосиз ёки хунук ва кўп хато қилиб ёзишлари орқали уларнинг билим савияларини белгилаш мумкин. Шу маънода тўғри ёзиш — тўғри фикрлашнинг ҳам билдириши.

Масаланинг ана шу моҳиятидан келиб чиқиб ёзма нутқнинг асосий мутасаддилари бўлган зиёлиларимизнинг фаолиятларида саводхонлик даражаси масалалари ҳусусида гап айтиш ҳам жоиздир. Ўз навбатида зиёлилар савод-

хонлиги лотин ёзувини турмушга жорий этиш, она тили масалаларида янги фикрлашнинг ҳам талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, ёш авлодга таълим берувчи мактаб муаллимларидан тортиб, олий ўқув юртилари ўқитувчилари, ҳатто илмий-техника институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари-

ёзувидаги хатolikларни бартараф этишни чигаллаштиришмоқда.

Тил фикрнинг бевосита воқе бўлиши учун ҳар бир зиёли мутахассис айтмоқчи бўлган мақсадини, олдин пишириб олгач, сўнгга уни сўзлар орқали ифода этиши лозим.

Тўғри, ёзув қондаларини яхши билмайдиган, айтмоқчи бўлган

Айрим ҳолларда олдин ўзбек тилида, сўнг рус тилида чиқишлар қиладилар. Афсуски, айрим ўзини билмайдиган мутасадди, ташкилот, ҳокимлик ва идораларнинг раҳбарлари шўро давридаги миллий тилларга ҳурматсизликни ҳамон давом эттиришмоқда.

Ёзма нутқда имлога ва гапда сўзлар тартибига эътибор бермаслик — биринчи гапда ёзув муаллифи «саводсиз»лигини кўрсатса, қолаверса ушбу ёзув адресланган шахс ёки тахририят ходимига бўлган ҳурматсизликни ҳам билдиради. Бунга кўплай мисоллар келтириш мумкин. Мисоллардан шу нарсга аён бўладики, муаллифлар нутққа, имлога масъулиятсизлик билан ёндошиб, тасодифий хатоларга йўл қўйганлар, деб айтга оламиз. Чунки, тасодифий, техник хатолар гап таркибига онда-сонда учраб қолишидаги ҳолат гапнинг мантикий йўналишида аниқ биллиниб туради. Бу хатолар улар тасаввурларига ёш-ликдан — мактаб парта-сидан ўзлашганлигига шубҳа қилмасга ҳам бўла-веради.

Кези келганда шунга ҳам айтиб ўтиш керакки, имло шабуқлиги, ёзма нутқ чалкашлиги этник иллат сифатида баъзи таниқли олимлар фаолиятларида ҳам тез-тез учраб турибди.

Айниқса тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги, техника ва физика-математика каби фанлар соҳасида ном чиқарган айрим таниқли олимларнинг ёзма нутқларида ҳам шундай нуқсонларни кўриш мумкинки, бу нарсга лотин ёзувида ўтиш жараёнида зиёлиларнинг имло ва ёзма нутқ саводхонлигини оширишни тақозо этмоқда.

Имлода саводхон, ёзма нутқда баркамол бўлиш маданияти-мизда она тилига бўлган ҳурмати-ни ҳам белгилайди, бунини унут-маслик керак.

Ҳайдарали УЗОҚОВ, профессор.



Имлода саводхон, Ёзма нутқда баркамол бўлайлик

Ҳайдарали Узоқов, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим алоқаси ҳамда Республика Халқ таълими алоқаси, таниқли публицист-журналист, ўзининг кўплай илмий ва илмий-усулвий мақолалари, тарихий-ҳўжжатли публицистик асарлари, йирик монографиялари, дарслик ва қўланмалари, аҳолий мавзулардаги рисола ва брошюралари билан яхши таниқли бўлган ишқдор олим.

У ўзининг 70 йиллик умри, 50 йиллик ишқдорлиги давомида педагогик ва журналистик фаолиятида, кадрлар тайёрлаш ишларида сабот билан меҳнат қилиб келяпти. Ҳозир олим Тошкент кимё технология институтининг «Ўзбек ва рус тиллари» кафедрасини бошқаради.

Унга ишқдор баркамоллик, узок умр тилаб, «Оқшом» муаллифи бўлган олимнинг қаламига мансуб дозарб мавзудаги куйидаги мақолани муштариёларимиз ҳўжмага ҳавола эта-ётириш.

Ҳақ адабий тилнинг меъёрий қондаларига мутлақо риоя этиш-лари қаттиқ талаб этилади. Чунки илгор зиёлилар вакиллари — муҳандис-филологлар, философлар, театршунослар, шифокорлар, агрономлар, тарихчилар, географлар, математиклар, физиклар ва ҳўжазолар ақсариёти олий маълумотли, илмий даражали — фан номзодлари, докторлар ва академикларни ташкил этади.

Афсуски, зиёлиларимизнинг барчаси ҳам ўз ёзма нутқининг баркамоллиги ва имлосининг тўғрилиги бобида шу кун талабига жавоб беради, деб бўлмайди. Айниқса катта ёшдаги зиёлилар орасида кечиктирилаётган лотин ёзувини ўрганиш муаммолари, бу борада истезмолда узук-юлуқ, онда-сонда ишлатилаётган лотин

фигрини ёзувда тўғри ифодалиб олмайдиган кўплай мактаб ва билим юртиларининг олий маълумотли ўқитувчилари, турли фан соҳаларидан дарс берувчи илмий даражали олимлар, маълумотли ўқитиларининг баъзи раҳбарлари учраб турибдики, бу ҳў адабий тилнинг нутқ маданияти, ёзув нутқининг ривожига фақат тўқсизлик қилмоқда.

Ўйлаймизки, она тили нуфузини кўтариш, давлат тили мақомини ҳўрматлаш борасида Президентимиз олиб бораётган амалий ишлар ҳўаммамиз учун ўрнак бўлусилар. Агар эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз Исрол Каримов она тилини ҳўрмат қилган ҳўлда халқро анжуманларда ўз маърузаларини ўзбек тилида олиб борадилар.

Маҳалла посбонлари

Ҳамкорлиқнинг Самарали натижалари



обонлари сардорлари, имом хатиб иштирокида йиғилиш ўтказилди. Гулобод даҳасидида тўйхонада ҳам шундай тадбирини ташкил этди. Ба-лоғатга етмаганлар билан ишлагга профилактика ин-спектори Бахтиёр Сирилоев бириктирилган бўлиб, у мактабларда мунтазам учрашу-лар ўтказди, тарбияси оғир болаларга алоҳида эътибор

берилади. Бундан ташқари ҳар бир маҳаллада яраштирув комис-сиялари бўлиб, улар тўхтов-сиз фаолият кўрсатаёпти. Ушбу комиссияларга ҳар бир профилактика инспектори

билан, маҳалла фаоллари билан жипс ҳамкорлиқда ишлайи керак. Шу сабаб-дан биз доимо янги ин-спекторларни маҳалла, мактабларда таништирамиз. — Бўғқўча маҳалласи посбонлари сардориман, — дейди Соҳиб ака Қиличев. — Маҳалламиз катта — унда 8 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилади, худуди-да битта поликлиника, бит-та мактаб, мусика мактаби, туртта бўғча бор. Маҳалла посбонлари ҳар хил касб эгалари бўлиш 10 нафар жонкуяр маҳалладошлар-дан ташкил толган. Дам олиш кўнралисиз ишлай-миз. Ўй бошлиқлари билан яқин ҳамкорлик қиламиз. Ҳар 2 ойда мактабда тар-бияси оғир болалар билан учрашамиз. Рўйхатда тур-майдиган кишиларни хона-донлардан чиқариб юбора-миз. Доимо профилактика инспекторлари билан ҳам-корлиқда, бамаалахат фа-олият кўрсатамиз.

Ҳа, ҳамкорлиқдаги иш-нинг самараси катта бўла-ди, дейди халқимиз. Про-филактика инспекторлари ва маҳалла посбонлари-нинг ўз ишига қўнчақлик билан ёндошиши, режали ва бартариб фаолият кўрсатишлари туфайли Бўғқўча маҳалласида 1999 йилининг май ойидан бери жиноятчилик ва қўнунбу-зарлик ҳўлларни содир этилмади. Тумандаги Гуло-бод, Обиназир, Янги ша-ҳар маҳаллаларида ҳам ми-лиция ва халқ ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Бун-дай фаолият эса албатта оқойишталлик, аҳиллик, оқибат ва тинчликнинг га-ровидир.

Дилшод ИСРОИЛОВ, Анвар ИНОКОВ. СУРАТЛАРДА: Бўғқўча маҳалласи посбонлари сардори Соҳиб Қиличев, милиция катта лей-тенанти Абдуқодир Тол-боев билан масалахат-лашмоқда; (чапдан ўнгга) профилактика ин-спекторлари милиция катта лейтенанти Мансур Ражабов, ички хизмат сержанти Закир Ҳамитов ва милиция капитани Баҳром Қўрамовлар аҳоли билан телефон ор-қали мулоқот пайтида. Рустам Шарипов олган суратлар.



Нихол

ТУРНАЛАР

Учиб ўтиди пастлаб турналар, Бамисоли бир шода бўлиб, Қанотлари таратган еллар, Сочим силар шода бўлиб, Осмон тўла файзли оҳангга, Наврўз мадҳи баётларида, Борлиқ узра сочиб чечаклар, Баҳор келар қанотларида.

НАВРЎЗ КЕЛДИ

Наврўз келди кулиб-кулиб, Боғу далам гулга тўлиб, Кушлар сайрар жуфт-жуфт бўлиб, Наврўзим, ўз сўзим, Шод овозим, шўх созим. Наврўзимни севар жаҳон, Она диёр дориломон, Кундан-кунга завоқд даврон, Наврўзим, ўз сўзим, Шод овозим, шўх созим. Яхши ният ҳар қўлида, Қутлуг кунлар келар элда, Такор-такорор дилда, тилда, Наврўзим, ўз сўзим, Шод овозим, шўх созим. Ҳабиб РАҲМАТ.

Мен кимман? Қандай одамман?

ЖИДДИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Тўй олдидан фотиҳанинг никоҳга қандай алоқаси бўлса — жиддий муносабатнинг ҳам фотиҳага шундай алоқаси бор. Қўнчица ёшлар фақат қарама-қарши жинсга мансуб бир одамнигина кўришади ва бунини ўзи бу сабабга кўра «хўдди шундай бўлиши керак», деб ҳисоблашни билан изоҳлашади. Ўзлар муносабатларида ўзларини бахтиёр деб ҳис этувчи бир қанча йигит-қизлар билан сўхбатлашдик. Улар тенгдошларига куйидаги саволларга жавоб беришни тавсия этишдик.

«Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб беринг.

1. Лойиҳа тайёрловчи гуруҳга раҳбарлик имкониятини бериб, сиз бу ишга камдан-кам ҳўлларда розилик берасизми? Ҳа Йўқ
2. Буюмларингизни эсдан чиқариб қолди-расиликни, хонани йиғиштириш керак-лигини сизга эслатиб туриш керакми? Ҳа Йўқ
3. Катталарнинг, муаллимлар, ота-оналар-нинг насихат ва масалахатлари эскилик сар-қити ёки мутлақо амалий фойдасиз нарсга деб ҳисоблайсизми? Ҳа Йўқ
4. Умуман олганда, таълим олиш — вақт-ни бехуда сарфлашдан бошқа нарсга эмас, деб ҳисоблайсизми? Ҳа Йўқ
5. Ўз жинсингизга мансуб бир қанча яқин дўстларингиз борми? Ҳа Йўқ
6. Ёлғиз қолиш сизга ёқмайди? Ҳа Йўқ
7. Сизга тегишли буюмлардан бошқалар фойдаланишса, ҳақингиз чиқадими? Ҳа Йўқ
8. Сиз барча муаммоларингиз ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг катта қисми никоҳ гу-воҳномасига имзо чекишингиз билан ўз-ўзи-дан ҳал бўлиб кетади, деб ҳисоблайсизми? Ҳа Йўқ
9. Мабодро, жума кўни кечқурун ёки шан-ба кўни нима билан шугулланишни билма-сангиз, ўзингизни қўйишга жой тополмай қоласизми? Ҳа Йўқ
10. Ташқи кўриниши, кийиниши бўйича, машинаси ёки пули борлиги билан бирон киши сизга ёқиб қолиши мумкинми? Ҳа Йўқ

Ижобий жавоблар «Йўқ»дан иборат бўлиши керак.

1 ва 2. «Ҳа» сизнинг анча-мунча танбал-лигингиздан дарак беради. Эҳтимол, сиз турли кишилар билан танишиб, уларга кўни-кишдан кўра осонроқ тўюлгани учун жи-ддий муносабатларга киришишни афзал кўра-сиз.

3 ва 4. «Ҳа» жавоби сизнинг болаларга

исёнкорлигингиздан ҳам, соғлом фикрин-лигининг йўқлигиндан ҳам, шунингдек, ҳаёт-даги мавжуд муаммоларга менсимай қара-шингиздан ҳам далалат беради.

5 ва 6. Катта ёшдаги кишиларда ўз жин-сларига мансуб яқин дўстлари бўлади. Ма-бодро, сизнинг бундай дўстларингиз бўлма-са, эҳтимол, сизни «хотинбоз» ёки «йигит-лардан ўзини йўқотиб қўяди», дейишар. Бундан ташқари ёлғиз қолганингизда зе-риклиб қолмаслик учун сиз ўз-ўзингизга мах-ли бўларсиз.

7. Одатда болалар бирон гапни гапири-шар экан, «Меники» сўзидан фойдаланиш-ни ёқтиришади. Улғая борган сари «биз-ники», «сеники» тушунчаларига ўтамиз. Ма-бодро шу маънода сиз нимадандир гўдак-ларга ўхшаб кетсангиз, эҳтимол, худбин-ларча «ўзиники» деган мулкка ўқлик туй-ғуси билан жиддий муносабатларга кири-шаётгандирсиз.

8. Балки сиз никоҳга мамнунлик билан ҳалос бўлиш омили сифатида қарасиз. Бундай нуқтаи назардан эҳтиёт бўлганин-гиз маъқул.

9. 1, 2 ва 6 саволларни қайта ўқиб чиқинг. Эҳтимол, сиз дўстларини излашга ҳеч қандай хоҳиш-истагингиз йўқлигидан ва бирон-бир қизиқини ҳис этмаётганин-гиздан жиддий муносабатни афзал кўраёт-гандирсиз.

10. «Яқриб кўринган ҳамма нарсга ҳам олтин бўлавермайдик» (Шекспир).

Мабодро, сиз иккитадан ортиқ саволга жавоб топа олмасангиз — демак, жиддий муносабатлар ҳақида ўйлашга ҳақ сизга эрта. Ўзингизни бирон одамга бахидида этишдан олдин иштирингиздаги вақтдан самарали фойдаланинг — уни турли одам-лар билан ўтказиш, турли компаниялар ичи-да бўлишга сарфланг. Хали ҳаётингиз бу-тунлай олдинда бўлиб, дунё аjoyиб ин-сонларга бой эканлигини ёдингизда тутинг.

«Мен бир қарашдаги муҳаббатга ишон-майдиганлардан эмасман. Лекин мен ик-кинчи қарашга ишонаман» (Генри Винсент, инглиз файласуфи).

Мухтабар АҲМЕДОВА тайёрлаган.

Мутахассис оғоҳлантиради

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИҒ

Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёғингарчи-ликлар туфайли замбуруғларнинг ўсиб, ривожланиши учун қулай шароитлар қўзғайди. Бу фаслда кўплай замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб қўяяпти. Ер юзидан замбуруғларнинг 100000 дан ортиқ бота-ник турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туригина ис-теъмола қилиш учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудида замбу-руғларнинг 300 дан зиёд бота-ник тури мавжуд. Бироқ шу-лардан 25 туригина истеъмо-л учун яроқли ҳисобланади. Бу истеъмол учун яроқли бўлган замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли «қўзиқоринлар» деб ата-йди. Шунинг учун ҳам Ўзбекис-тоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида қўзиқорин-ларнинг фақат айрим, майяюн турларигина терилиб, улардан турли хилдаги тансик таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли қўзиқоринлар маъдан-ли моддалар, оқсил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига мансуб ви-таминларга жуда бойдир.

Бироқ республикамиз ҳуду-дида ўсмайдиган қўзиқоринлар-нинг 275 дан зиёд ботаник тур-лари заҳарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмола қилиб бўлмайди. Бундай заҳарли қўзи-қорин турларини маҳаллий аҳоли ўз ибораси билан заҳар-ли ўсимлик — «қўрбақанинг салласи» деб атайдди. Бу тур-ларига мансуб қўзиқоринлар таркибиде гелвеллий кислотаб, фаллотоксин, аммониток-син ва бошқа заҳарли модда-лар мавжуд бўлиб, бундай қўзи-қоринларга қанчалик ишлов бе-рилмасин, улар таркибидеги заҳарли йўқолиб кет-

маҳсулотларни савдо шохобча-ларидан харид қилишингизни тавсия қиламиз.

Заҳарли қўзиқоринни бил-май истеъмола қилган кишида орадан 6-12 соат ўтгандан сўнг кўнгил айнаб, тез-тез қайт қилади. Ошқозон-ичак фаоли-ти бузилади, қоринда оғриқ пайдо бўлиб бутун аъзои-бад-ни бўшашиб кетади. Қўзиқорин таркибидеги за-ҳарли моддалар жигар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизими аъзоларини қат-тиқ шикастлайди. Қўзиқориндан заҳарланган аломатлари вужуд-га келган тақдирда, беморга 5-6 соатан илгир намоқопли сув ичқилиб, уни сувий қайт қайт қилиб, меъдаси янгиликча ке-рак. Агар меъда ювилиб, ун-даги заҳарли моддалардан ҳа-лос этилмаса, бу моддалар ичакка ўтиб қонга сўрилади ва заҳарланган янада оғир ке-чади. Бу беморларни ўш шари-тида билар-билмас даволаш фўжиа билан тўғаси мумкин. Бу ҳўлнинг олдини олиш учун эзудлик билан «тез тиббий ёр-дам» хизматига қўнқироқ қилиш ёки беморни 1-шаҳар қилиш шифохонасининг токсикология бўлимига олиб бориш керак. Беморга бу бўлимда малакали мутахассислар томонидан ке-ракли тиббий ёрдам кўрсати-лади.

Эсингизда бўлсин, заҳарли қўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

Шўхрат ЮСУПОВ, Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг овқатланиш гигиенаси бўлими мудири.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, ҳўсусий эълонлар ва ҳўсусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъжияларни, таваллуд қунилари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтуловларни, никоҳ эълонлари ва шўнга ўхшаши эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва акшанбадан ташқари ҳар кўни соат

9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:

133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАЊИЛИМИЗ:

МАТБЎТЧИЛАР КўЧАСИ, 32-уй,

2-КАВАТ, 204-ХОНА.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га
— 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.

Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.